



## БАЛЕТМЕЙСТЕРЛИК САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**Хабибулло Саитов**

*Ўзбекистон давлат хореография академияси  
Урганч филиали ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада хореография санъатида балетмейстерлик санъатининг ўрни, унинг фаолияти турлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, мазкур мақолада балетмейстер рақс асарини яратишда қандай жиҳатларга аҳамият қаратиши зарурлиги, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечими борасида таклифлар ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *маданият, санъат, рақс, образ, асар, балетмейстер, сахна, ҳаракат.*

Ижтимоий зарурият маҳсули бўлган рақс санъати ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, юксак дид билан сахналаштирилган бадий асарлар дунёга келишига имкон яратди. Бадий жараён, тарихда мавжуд сахна асарларини театр, мусиқа, тасвирий санъат, кино ва хореография орқали қайта сахналаштириш жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашув анъанаси юзага келди.

Ижодий ёндашув бадий жараённинг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Муайян сахна рақс асарини сахналаштириш мақсадида образни танлашнинг энг дастлабки босқичидан сахна асарини томошабинга етказиб беришгача бўлган сўнгги босқичгача даврни ўз ичига олган жараён бадий жараён сифатида эътироф этилади.

Рақсларни қайтадан ишлаб, сайқал бериб, янада кўркамлаштириб, санъат даражасигача етказувчи, уни ривожлантирувчи, янада бойитувчи, халққа, дунёга танитувчи рақс санъати усталари бўлиб, улар – балетмейстерлар (балет устаси) деб аталади.

Ўз фаолиятида балетмейстер – яратувчи, сахналаштирувчи, репетитор(машқ қилдирувчи) ва педагог ҳисобланади. Яратувчи сифатида у хореографик образ яратади. Яратилаётган хореографик образнинг характер хусусияти, мазмун-моҳияти имо-ишора, либос ва ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Табиатда бор мавжудлик балетмейстер – яратувчининг ижодкорлиги, тасаввурига қараб хореографик образ бўла олади. У рақс асарини яратиш аввалида рақснинг матнини шакллантиради ва сахналаштиришга масъул бўлади. Зеро, у ўша рақснинг муаллифи ҳисобланади.

Балетмейстер – сахналаштирувчи эса балетмейстер–яратувчи яратган рақсни ижрочиларга сахналаштиради, ўргатади. Ижрочилар то рақс ҳаракатларини ўзлаштириб олгунга қадар улар билан қайта-қайта шуғулланади, тушунтиришлар беради. Рақсни сахнага олиб чиқиш жараёнларида у муҳим



омиллар: сахнанинг тузилиши ва шартли белгиларини ўзлаштирган бўлиши ва албатта буни ижрочиларга ҳам ўргатиши зарур. Балетмейстер – сахналаштирувчининг истеъдоди рақс чизмаларини қанчалик мураккаб ва қизиқарли тарзда яратиши билан ҳам кўринади.

Балетмейстер - репетиторнинг вазифаси балетмейстер–яратувчи яратган ва балетмейстер–сахналаштирувчи сахналаштирган рақсни ижрочилар билан машқ қилишдан иборат бўлиб, уларнинг рақсдаги ижро маҳоратини оширишга қаратилган бўлади. Якка, оммавий рақслар, улардаги солист ижро этадиган қисмларини меёрига етказиб, барча ижрочилар юқори савияда ижро этишларини таъминлаб беради. Машғулот жараёнида яратувчи ва сахналаштирувчи рақсни қандай ўргатган бўлса, ҳеч бир қисмига ўзи билганча ўзгартириш киритмайди. Асар муаллифи ва сахналаштирувчи билан маслаҳатлашган ҳолда, уларнинг розилиги билан буни амалга ошириши мумкин.

Балетмейстер-педагог ўз соҳаси юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб боради ва соҳанинг назарий ва амалий жиҳатларига эътибор қаратиб илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқади. Уни амалиётга тадбиқ этиш, етук мутахассисларни етиштириш каби муҳим вазифаларни бажарувчи ҳисобланади. У устозларнинг тажрибаси, билим ва кўникмасини ўзлаштирган ва шу ўринда ўз услубига эга бўлмоғи лозим. Рақс санъати тарихи, ўқитиш ва ўргатиш услублари, ижро маҳоратини ўстириш, рақс техникасини мустақамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор билан ёндошиб таълим бериши зарур. Бундан кўриниб турибдики, балетмейстер-педагог балетмейстерлик касбининг барча тўртта соҳасини ҳам мукамал эгаллаган бўлиши керак<sup>135</sup>.

Моҳир балетмейстерлар сюжетли рақслар сахналаштирганда ёки оммавий рақслардаги яккахон ижрочини танлаётганда раққосанинг истедодига, ижрочилик қобилиятига, актёрлик маҳоратига, ўз ишига масъулият билан ёндашишига қараб танлаши зарур. Шунингдек, сахнада ижро этилажак рақсда содир бўладиган воқеликни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиши лозим.

Бастакор басталаган куйида нима демоқчи ва балетмейстер куйнинг талқини орқали томошабинга нималарни етказмоқчи эканлигини раққоса тафаккурига сингдириши, бунинг учун албатта раққосада мусиқа санъати, рақс ҳаракатларининг мусиқа билан уйғунлашуви ҳақида етарли билим ва кўникма бўлиши керак.

Қолаверса, драматургия қоидаларига асосланиб сахналаштирилган рақсни ўз тасаввурида жонлантира олиши ва образни ўзиники қилиб олишга эришиши керак. Рақс ижрочиси рақснинг драматургия қонунларини билиши ва ижро вақтида амал қилиши керак. Чунки куйнинг тизимига терилган ҳаракатларни ижро этишда раққоса ўзининг бор вужудини, яъни онгини, сезги органларини, кўл-оёғи, елкаси, нафас олиш органлари, юзини ҳаракатлантиради. Бунинг



натижасида ижро техникасини, мимикасини, қалбини ишга солади ва уларнинг барчаси бир бутун бўлиб раққосага образни “ўзиники” қилиб олишига кўмаклашади.

Драматургия қоидалари, рақс мусиқаси, ҳаракатлар ва ҳаракатларни маҳорат билан ижро этилиши – буларнинг барчаси рақс асарининг асосий таркибига киради. Балетмейстер рақс ижрочиси билан образ устида ишлар экан, машаққатлиб меҳнат, ижодий изланиш жараёнларини ўтайди. Бунинг натижасида сахнада балетмейстер сахналаштирган, раққоса ижро этаётган бир сиймо яралади. Бу икки ижодкор ижодий изланиши, тинимсиз меҳнати ўлароқ сиймонинг ички ва ташқи қиёфаси томошабин кўз ўнгидан намоён бўлади.

Жаҳон халқ рақслари, рақс санъатининг кўриниши, қиёфаланиши, ифода қилинишининг ғоявий мазмунига қараб унинг инсоният турмушига боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Рақс санъати орқали кишиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланишини, табиат билан курашишини, маънавий тафаккурини англаймиз. Рақс санъатининг манбааси инсониятнинг турмуш тарзи бўлишидан қатъий назар турмуш ҳаракатларининг хаммаси ҳам рақс ҳаракатлари эмас. Аммо хоҳ халқ рақслари бўлсин, хоҳ классик тарихий рақслари бўлсин у бир миллатнинг узок тарихий жараёнидаги дини, турмуш урф-одатларини кўрсатиб беради. Рақс санъатида, ҳаттоки, бир миллатнинг “Салом бериш”, “Таъзим қилиш” ҳаракати бошқа миллатникига ўхшамайди. Турли хил халқларнинг турли жанрдаги рақслари турфа кишиларнинг характерларини яратишни асос қилиб олади. Ҳинд халқ рақсидаги “Ёмғир тилаш”, “Маъбудларга илтижо қилиш”, “Ойга тавалло қилиш”, сўраган ниятларига эришганларида хурсанд бўлиш ва бошқа хатти-ҳаракатлари буддизмнинг рақсдаги ифодаси бўлганидек, уйғур халқ рақсларини олиб қарайдиган бўлсак, “Сув”, “Муз”, “Товус”, “Муножат”, “Само”, “Пир” ва бошқа сюжетли рақслар турмуш урф-одатларидаги воқеа-ҳодисаларнинг, ривоятларнинг шундайлигича диний эътиқод билан боғлиқ бўлганлигини кўриш мумкин. Ўзбек халқ рақслари ҳам илтижо қилиш, паноҳ тилаш, худога нола қилишдек туйғулардан ҳоли бўлмаган. Бундай эътиқодлар озайиб, кейинчалик ижтимоий турмуш тарзининг ривожланиши жараёнида рақс санъатига айланган.

XXI асрга келиб илм-фан ютуқлари ва технологиялар инсоният маънавий оламини ўзгартириб, уларнинг бадиий ҳис этиш эстетикаси масаласида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бир вақтлар инсон онги қабул қила олмайдиган воқеа ҳодисалар, бадиий ечим ва асарлар бугунги кун ҳаётида оддий ҳолга айланиб бормоқда. Бу каби мураккаб жараёнлар барча санъат турлари сингари ўзбек миллий рақс санъати масаласида ҳам жиддий амалий чораларни олиб боришга туртки бўлмоқда. Рақс санъати билан боғлиқ бу каби жараёнларда кўпгина хусусий рақс ансамбллари балетмейстерлари ривожланган давлатларнинг бадиий жамоаларидан ўрнатилган олишга, кўр-кўрона жаҳон



тажрибаси ютуқларини миллий рақс намуналарига олиб киришга уринаётганликларини ҳам кўришимиз мумкин. Бу каби ҳолатлар миллий санъатлар ва қадриятлар кушандаси, яъни анти маданият ҳар жиҳатдан ўзбек миллий рақс санъати тараққиёти жараёнларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу ўз ўрнида ўзбек миллий рақс санъати тараққиёти муаммо ва камчиликларни ўртага чиқармоқда. Бугунги кунда мазкур соҳа тараққиётига ғов бўлувчи муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш долзарб масала ҳисобланади.

Бу борада ҳам таълим сифатини ошириш, ҳам етук балетмейстер мутахассисларни тарбиялаш, миллий санъатимизни асил ҳолича асраш, уни фақатгина аслини асраган ҳолда бойитиш, миллий-бадий образлар, замон қахрамонларини яратиш бугуннинг заруратидир.

Чунончи, миллий рақс санъатимиз ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳаётдаги турли воқеаларни ҳаракатлар орқали акс эттириб, ифодаловчи санъат турларидан бири бўлиб қолди. Бундан ташқари, рақс инсонларнинг ички дунёсини акс эттирувчи бадий ифода воситасидир. Ўзбек миллий рақс санъати санъатнинг энг қадимий турларидан бири бўлиб, уни тасвирий санъат, театр санъатини вужудга келтирган илдиз дейиш ҳам мумкин, мусиқа эса рақс билан бирга, эгиз яшайди. Рақс ижрочиларининг сурати ва сийрати ўзи гўё уч санъатни бадий ифода қилади: мусиқа садолари остида гўё тасвирий санъат намунаси жонланади.

Рақс санъати чинакам нафис санъат экани ўзбек миллий рақсларида яққол акс этади. Нозик ҳаракатлар лирика ва драматизм билан мазмундорлик касб этади. Аммо бугунги кунда турлича бемаъно, бирор бадий хусусиятга эга бўлмаган рақслар ҳам оммалашиб бормоқда. Бу айниқса замонавий қўшиқ клипларида жуда кўплаб тарғиб қилинмоқда. Бу эса халқ орасида рақс санъатига бўлган ҳурматни янада пасайишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бундай муаммоларни бартараф этишда узтоз санъаткорлар, малакали педогоглар, балетмейстер-мутахассислардан жам бўлган бадий кенгашнинг ташкил этилиши ва халқ эътиборига ҳар бир ҳавола этилаётган рақслар уларнинг руҳсати билан намойиш этилиши мақсадга мувофиқ бўлар бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авдеева Л.А. Ўзбек Миллий рақси тарихидан. –Тошкент: Мукаррама Тургунбоева номидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси, 2001 й.
2. Р. Досметова Н.Абрайкулова Рақс дарслик- Т.: «Баркамол файз медиа», 2017,160 бет.